

Уйда қолинг!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
6 май
ЧОРШАНБА
№ 31 (13292)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Иккинчи жаҳон уруши халқимиз бошига оғир кунларни солди. Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион нафар аҳоли яшаган бўлса, шундан 1 миллион 500 мингдан зиёди фронтга сафарбар этилган. Ҳамюртларимиз инсоният тарихидаги энг даҳшатли, қонли урушда мардларча жанг қилди.

Ўриш ТУРГУНОВ: Ҳамжиҳатлик ёвни енгил йўлидаги Биринчи зарба



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

Улар орасида чинозлик Ўриш ота Тургунов ҳам бор эди. Урушга отланган кезлари атиги 17 ёшда бўлган бўз йигит жангоҳларда не-не синовли кунларни бошидан кечирмади, дейсиз. Украина жангарида 3 нафар чинозлик қуролдош ҳамжиҳотлари билан чинакам мардлик намунасини кўрсатган Ўриш ота узок Шарқнинг кўпгина худудларида душман билан тўқнаш келди. Аср юзини кўриш арафасида турган бу отахон уруш даҳшатлари ҳақида фарзандлари, набираю



Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги олдида

абираларига тез-тез сўзлаб беради. Биринчи жангга кирганларида аскарлар икки тоифага ажралиб кетган экан. Биринчиси – уруш даҳшатларини кўриб, оқопнинг ўзидаёқ юраги ёрилиб ўлганлар. Улар бирорта ўқ отмасданок қурбон бўлган. Иккинчиси, "Бир бошга бир ўлим" дея мардонавор туриб, Ватан ҳимояси йўлида жон фидо қилишга тайёр турганлар. Уларнинг ҳам кўпчилиги қирилиб кетди, омон қолганлари эса кўксига орден-медаллар тақиб юрларига қаҳрамон бўлиб қайтган.

(Давоми 4-саҳифада)

СИРДАРЁ вилоятининг Сардоба сув омборида рўй берган ҳодиса халқимизни янада бирлаштирди. Бугун одамлар тобора жипслашмоқда, бир-бирига меҳри ортмоқда.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ сардобаликларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди



томонидан эса алоҳида ёрдам юборилди. Жумладан, 13 минг 600 дона тухум, 3,3 тонна гуруч, 7,4 тонна ун, 1,7 тонна ўсимлик ёғи, 3,5 тонна картошка, 2,5 тонна пиёз, 3 тонна сабзи, 3,4 тонна макарон, 700 кг. ширинлик, 280 дона кўрпа-тўшак, 1 минг 493 дона кийим-кечак, 10 та қорамол ва вилоят аҳолиси номидан 5 миллиард сўм пул маблағи инсонпарварлик ёрдами сифатида жўнатилди.

Миллий гвардиянинг вилоят бошқармаси томонидан эса 125 дона катталар, 95 дона аёллар, 178 дона ёш болалар кийим-кечаклари, юмшоқ ўйинчоқлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа рўзгор буюмлари юборилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 1-2 май кунлари уйлари сув босган 600 нафардан зиёд сирдарёлик Бўка, Бекобод, Оққўрғон, Чиноз туманлари маҳалла фуқаролар йиғинларидаги хонадонлар ва "Орзу" дам олиш масканига жойлаштирилди. Улар яшаш жойи, иссиқ оқват, озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланди. Шифокорлар уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиб, саломатликларини назоратга олишди.

(Давоми 2-саҳифада)

Маҳаллий кенгашларда

Тезкор чоралар — эртанги барқарорлик кафолати

Ўтган ҳафта Халқ депутатлари туман ва шаҳарлар ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиялари бўлиб ўтди. Онлайн-мулоқот тарзида кечган сессияларда жорий йилнинг 22 апрель куни давлат раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижроси эътибор марказида бўлди.

Хусусан, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида худудларда амалга оширилаётган ишлар, кўрилатган чора-тадбирлар муҳокама қилиниб, секторлар кесимида шакллантирилган ишсиз ва кам таъминланган аҳолининг рўйхати қайта кўриб чиқилди ҳамда уларга ихтиёрий тарзда ҳомийлар бириктирилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ушбу жараёнларда фаол иштирок этган тадбиркорларга давлат томонидан имтиёзлар берилишини ташкил этиш бўйича мутасадди ташкилотлар олдида турган кечиктириб бўлмас вазифалар белгиланди.

Сессияларда кам таъминланган оилаларни карантин даврида қўллаб-қувватлаш бўйича тадбиркорларнинг муурожаатлари қабул қилинди.

Шунингдек, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига йўллаган тавсиялари ўқиб эшиттирилди ва Кенгашнинг тегишли қарори билан маҳаллий Кенгаш депутатларига вазифалар тақсимланди.

Сессиялар кун тартибидаги масалалар юзасидан Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Янги Ўзбекистонда илм-маърифатни ривожлантириш, аниққисса, педагогик таълимни ислоҳ қилиш усулдор ва вазифалардан бири этиб белгиланди. Бу мақсадга эришиш, аввало, таълим тизимида тарбиянинг мазмуни, усули, усулubi ва ёндашувини янгилаш зарурлигини тақозо этади. Тарбия кластери эса янгилашнининг муҳим мезони бўлиб хизмат қилади.

Вилоятимиз олий ўқув юртларида

ТАРБИЯ КЛАСТЕРИ — ТАЪЛИМДА ЕТАКЧИ КУЧ



билимлар мазмуни, усуллари ва воситаларига янгича ёндашуви талаб этади. Бунинг учун, аввало, тарбиянинг маънавий-ахлоқий мазмунини бойитиш, талабаларга инсонийликнинг миллий аъёналарига содиқлик руҳини чуқур синдириш, уларда вайронкор ғояларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафак-

курни мустаҳкамлаш бўйича кенг қўлмали маърифий ишларни амалга ошириш зарур.

Таъкидлаш керакки, таълим муассасаларида тарбия назарияси билан тарбия амалиёти ўртасидаги номуносиблик, тарбия тизимининг тор ва чекланган стратегик мазмуни, тарбиялаш методлари ва механизмларининг эскирганлиги, аниққисса, илмий асосланган тарбия амалиётининг мавжуд эмаслиги, талабанинг фаолияти учун зарур бўлган ва уни баҳоловчи ахлоқ нормаларининг ишлаб чиқилмаганлиги тарбиявий ишларни ташкил этиш, ўтказиш ва амалга оширишда бир хиллик, шаклбозлик, турғунлик ва тадбирбозлик каби ҳолатларни юзага келтирмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Хизмат

МАЪЛУМКИ, 30 апрелдан юртимизда карантин чоралари бирмунча юмшатилади. Лекин, бу хали хавф-хатар ортда қолди, дегани эмас. Аксинча, тугал ҳаётга тезроқ қайтишимиз карантин қоидаларига охиригача ақл ва сабр билан, интизомли бўлиб рўя қилишимизга боғлиқ. Шундай экан, бугун аҳоли карантин қоидаларига нечоғлик амал қилаёпти?

(Давоми 2-саҳифада)



Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча ҳудудларда ички ишлар ходимлари, йўл-патруль хизматчилари ТПХ ва СЭС ходимлари билан ҳамкорликда туну кун ўз хизмат фаолиятларини қатъий тартибда олиб бормоқдалар.

— Карантин қоидаларига оғишмай амал қилиш бугуннинг муҳим талаби, — дейди Чиноз тумани ИИБ бошлиги ўринбосари Маҳмуджон Ёқубов. — Бўлимимизда ҳар кунлик хизмат тегишли мутасадди ташкилотлар билан ўзвий ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, бунда фуқаролар ва автотранспорт эгаларига заруратсиз уйдан чиқмаслик талаблари тушунтирилмоқда. Карантин қоидаларига зид равишда ҳаракат қилаётган фуқаролар тегишли тартибда жавобгарликка тортилиб, автотранспорт воситалари жарима майдонига қўйилмоқда.

Тождор вирусни бартараф этиш бўйича кўплаб чекловлар амалга оширилиб, фуқаролар ўртасида тушунтириш ишлари амалга оширилаётган бўлсада, барибир барчаси аҳолининг ўзига боғлиқ. Яъни, карантин ва чеклов талабларига тўлиқ риоя қилингандагина касаллик кенг кўламда тарқалиб кетишининг олдини олиш мумкин. Демак, зарурат бўлмаса, кўчага чиқмаслик, санитария ва гигиена талаблари, шифокорлар тавсиясига тўлиқ риоя қилиш шарт. Таниш, нота-ниш одамлар билан ортиқча мулоқотга киришмаслик лозим.

Аллома АЗИЗОВА
Тошкент ҳақиқати/

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ сардобаликларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди

— "Саховат ва кўмак" ҳаракати чинакамга умумхалқ ҳаракатига, бекиёс инсоний туйғуга айланди, — дейди вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Беҳзод Қобулов. — Олмалиқ ва Бўқандан қурилиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ортлган юк ва енгил машиналар Сирдарёга йўл олди. Тошкент тумани, Оҳангарон ва Ангрён шаҳарларида ҳам хайрия маҳсулотлари соат сайин кўпайиб, халқимизнинг иродаси, саховатпешалигига монанд тоғдек юксалиб бораётти.

Бу гаплар лоф эмас, бўрттириш ҳам эмас. "Синовлардан яна ҳам қудратли бўлиб чиқамиз", деганда мамлакатимиз Президенти нақадар ҳақ эди.

Бугунги манзараларни кўрганганимизда, зангори осмон остида, қуёшли ўлкада нақадар олижаноб ва саховатли одамлар яшашини, уларнинг ҳиммати жўш урганда, қисқа фурсатда тоғдек хирмон уйилганда, қанчалар қудратли халқимиз борлигидан фахрланасан, киши.

Бу — юксалиш палласи! Бу — инсон ботинидаги маънавий қудратнинг реал ҳа-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



ётий кучга айланиш онлари! "Катта ўзбек тракти"да Бекобод, Олмалиқ, Оҳангарон ва пойтахтимиздан Сирдарёга тўхтовсиз кетаётган юк машиналарида халқимизнинг буюк қудрати, қалб бойлиги бор.

— Ўзбегимизда тўйларга атаб сеп йиғиш одати бор, — дейди қўрайлик онахон. — Шукрки, фарзандларимни уйлаб-жойладим. Худо умр берса, набираларимнинг тўйини кўрарман дея, уларга атаб икки сандиқ сеп йиғиб қўйгандим.

Ҳа, биз шундай халқимиз. Ён-атрофимиз, айниқ-қачон қараб турмаймиз. Ахир, "Кўшнинг тинч, сеп тинч" деган мақол бежиз айтилмаганда!

Сирдарёликларнинг бошига тушган ҳалокатни эшитиб, қараб туролмадим. Ўғилларимга иккала қутини машинага ортиб, Сирдарёга етказиб беришларини тайинладим. Худо хоҳласа, бу кунлар тезда ўтиб кетади. Меҳр-оқибатимиз йўқолмасин.

— Аёлим ва 4 фарзандим билан Бўқа туманида паноҳ топдик, — дейди Сирдарё вилояти, Оқ олтин туманилик

Болагимда бобом дуога қўл очаркан доимо: "Сув балоси, ўт балосидан ўзинг асра, Аллоҳим", дердилар. Ўша дамларда бобом нега бу гапни кўп қайтаради, деб ҳайрон бўлардим. Улғайганим сари бу сўзларнинг маъносини тушундим. Сардобада юз берган фожиани кўриб, сув балосининг даҳшатини ҳис қилдим.

МЕҲР ҚОЛУР, ОҚИБАТ ҚОЛУР...

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 1 май кунини Сардоба сув омбори ўпирилиши оқибатида рўй берган сув тошқини сабаб, ўша ҳудудда истиқомат қилувчи минглаб аҳоли ўз уйлари ташлаб кетишга мажбур бўлди. Уларнинг бир қисми вилоятимизнинг туман ва шаҳарларига келишди. Табиий офатдан жабр кўрганлар ҳокимликлар, тегишли мутасаддилар ва аҳоли томонидан олиб қўлини олиниб, тураржой ҳамда бошқа зарур нарсалар билан таъминланди. Бошига оғир кун тушганда кўрсатилаётган бундай эътибор ва меҳр-оқибатдан меҳмонлар мамнун:

— Бизни яхши кўтиб олиб, бошпана беришди. Бирор нарсага зориқиб қолганимиз йўқ, 11 ёшли ўғлим Хусанбой ногирон, ўзи юришга қийналади. Бир тadbиркор укамиз унга ногиронлик аравачаси совға қилди. Мана шундай кўмак ва эътибор учун барча саховатпеша инсонларга миннатдорлик билдираман.

Маълумки, инсон бошига кулфат келганда, қаттиқ руҳий тушкунлик ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Стресс ҳолатидан чиқишда, албатта, психологларнинг ёрдами керак. Шунини инобатга олиб, Чиноз тумани халқ таълими бўлими мутахассислари яхши ташаббус билан чиқишди. Яъни, туман мактаблари психологлари мазкур ҳудудга келган сардобаликлар билан яқиндан суҳбатлашди.

— Сардобадаги тошқиндан жабр кўрганларнинг 34 нафари билан суҳбатлашдик, — дейди тумандаги 9-мактабнинг амалиётчи психологи Гулруҳ Эргашева. — Уларнинг орасида кексалар, ўқувчилар ва боғча ёшидаги болалар ҳам бор. Дастлаб болаларга совғалар улашдик, ўқувчи-ёшларнинг хаёлидан ўтаётган фикрлари билан ҳам қизиқдик. Катта ёшдаги инсонлар билан гаплашганимизда мол-мулк ва уйдан айрилгани учун ич-ичдан эзилишаётганини сездик. Уларга содир бўлган воқеани тезроқ унуттиш, тез кунда ҳаммаси изга тушишни тушунтирдик. Шунингдек, стрессдан чиқиш бўйича зарур тавсиялар ҳам бердик.

Зухриддин РАҲМОНОВ
Тошкент ҳақиқати/

БОЗОРЛАРИМИЗ ТЎКИН, ХАЛҚИМИЗ РИЗҚИ МЎЛ-КЎЛ БЎЛАДИ

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ТОШКЕНТ туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг 11-"Б"синф ўқувчиси Раъно Маъруфова компьютер ва бизнес менежменти йўналиши бўйича инглиз тилида онлайн имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, Америка Қўшма Штатларининг 4 та университетдан талабалikka қабул қилинганлик мактубларини олди. Худди шу синф ўқувчиси Абдулазиз Абдуллаев архитектура ва дизайн йўналиши бўйича инглиз тилида онлайн имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, Лондондаги Herfordshire университети талабаси бўлди.

БЎҚА тумани "Ҳўжақўрғон" МФЙда 10-сонли оилавий поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Муассаса 12 минг 767 нафар аҳолига хизмат кўрсатиб, бир кунда 150 беморни қабул қилиш ва тиббий текширувдан ўтказиш қувватига эга.

ПИСКЕНТ тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан Хотира ва Қадрлаш кўни арафасида туманда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олинди. Фахрийларнинг саломатлиги назорат қилиниб, зарур тиббий воситалар ва озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

ЯНГИЙЎЛ тумани электр таъминоти корхонаси томонидан "Чортоқ", "Дўстлик", "Обод", "Самарқанд", "Саид ота", "Ғалаба" маҳаллаларида электр энергияси таъминотидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида 4000 кВА қувватли трансформатор олиб келинди. Мазкур трансформаторни тез кунларда ўрнатиш режалаштирилган.

АНГРЕН шаҳридаги хонадонлардан бирида милоддан аввалги қабр ва сопол идишлар топилди. Мозийдан сўзловчи ушбу ноёб топилма кўпчилик мутахассисларни қизиқтирмоқда.

ПАРКЕНТДА УЗУМ ҚОЛДИМИ? Дарвоқе

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида рўй бераётган об-ҳаво инжиқликлари Паркент туманини ҳам четлаб ўтмади. Масалан, 8 апрель кунини мевали дарахтлар, узумзорларни қалин қор қоплади. Бундай манзарани кўрган айрим паркентликлар ҳам тушкунликка тушиб қолишгани рост. Чунки, фалон жойда қалин қор ёғди, энди ҳосилдан умид қилмасак ҳам бўлади, мазмундаги хабарлар ёмғирдан кейинги кўзқориндек роса кўпайди. Начора, «онлайн»чиларнинг чекига шунақа шов-шув тушган экан...

Лекин, туман кишлққ хўжалиги бўлими вакилларининг айтишича, жами 10 минг 300 гектар ер майдонидаги узумзорнинг ҳосилдорлигига 15-20 фоиз атрофида зарар етган, ҳолос.

Бунага ишонч ҳосил қилиш мақсадида «Умиджон Ҳикमतов» фермер хўжалигида бўлди. Хўжаликда 1,4 гектар майдонда узумнинг «Кишмиш» ва «Янги мускат» нави парвариланаётган экан. Тажрибали боғбон Маҳмуд Исломов билан суҳбатлашдик.

— Шукрки, кутилмаганда ёққан қор узумларимиз ҳосилдорлигига

Пандемия шароитида юзага келган глобал инкироздан орттиқча талафотларсиз ўтишда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромад манбаларини сақлаб қолиш ниҳоятда долзарб вазифадир. Чунки, мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги айни масалаларни тўғри ва одилона ҳал этишга боғлиқ бўлиб, бу борада кишлққ хўжалиги соҳасида катта имкониятларга эгамиз.

Хабарингиз бор, 14 апрель кунини Президентимиз раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида шу масалалар муҳокама қилинганди. Хўш, айни вақтда жойларда кишлққ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Жорий йилда бозорларимизда маҳсулот етарлича бўладими? Шу ҳақда соҳа вакилларидан қисқача маълумот олишга ҳаракат қилдик.

АКМАЛ АКБАРОВ,
Вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиги:

— Жорий йилда чорвачилик соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда қорамоллар бош сонини 939 мингга етказишни режалаштирганмиз. Айни шу масалада вилоятимизда жорий йилда жами 86 та лойиҳа амалга оширилди.

Турли манбалардан жами 448 млрд. 107 млн. сўм эвазига чет элдан 22 минг 690 бош насли қорамол олиб келинади. Бундан ташқари, 15 минг бош насли кўйлар, 11 минг 500 бош наслдор кўёнлар ҳам келтирилади. 38 гектар майдонда 7 та балиқчиликка оид лойиҳалар амалга оширилди. Чорвачилик озуқа базаси учун 34 минг 228 гектар ер ажратилган. Ушбу майдонларда 17 минг 83 гектар беда, 15 минг 657 гектар маккажўхори ва 1 минг 488 гектар

хашаки лавлаги етиштирилди. Ғалладан бўшаган майдонларга 28 минг 95 гектар такрорий маккажўхори ва 9 минг 240 гектар оралик озуқабол экинлар экилади. Томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияси бўйича 22 та ташаббускор томонидан 194 та

тик қудуқ қазилади ва 5 минг 196 гектар лалми ер ва яйловлар ўзлаштирилмоқда. Йилгига 163 минг тонна омухта ем ишлаб чиқариш қувватидаги 8 та корхона янгидан ишга туширилади. Бу билан, насиб бўлса, қўшимча 71 минг 461 тонна сўт, 1 минг 406 тонна гўшт, 1 минг 60 тонна балиқ ҳамда 9 тонна қуён гўшти етиштирилади. Бундан ташқари, Оҳангарон туманида 13 та қорамолчилик лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шерзод МУРОДОВ,
Вилоят кишлққ хўжалиги бошқармаси бошлиги:

— Яширишга ҳожат йўқ, бу йил кишлққ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси ходимлари учун жиддий синов йили бўлади. Чунки, пандемия ва карантин вақтида озиқ-овқатта бўлган талаб кескин ошади. Шу боис, ҳозирданок эрта

Абдусалим МАҲМУДОВ
Тошкент ҳақиқати/
ёзиб олди

кўп ҳам зарар етказмади, — дейди у. — Балки ишонмасиз, лекин кунда келинг, амин бўласиз. Айни пайтда узум ораларини қайта чопикдан чиқараёпмиз. Кейин янана лашни бошлаймиз. Туманимизда аксарият боғбонлар узумзорларини апрелнинг охири — майнинг бошида янаналяди. Ёққан қалин қордан шу сабаб ҳам унча талафот кўрмадик. Бўлмаса, ҳосилдорликдаги йўқотишимиз 15-20 эмас, балки 50-60 фоизни ташкил қиларди. Агар арготехник тadbирларни ўз вақтида бажариб, узумзорларга меҳримизни янада кўпроқ берсак,

ҳосилдорлигини деярли йўқотмай-миз.

Боғбон айтган гапларда жон бор. У билан суҳбатимиз асосида ижтимоий тармоқларда шу ҳақда тарқалган хабарларнинг асосий эканлигини яна бир бор хис қилдик. Хўжалиқдан қайтар эканмиз, раҳматли ёзувимиз Саид Аҳмад домланинг: "Паркентлик деҳқон истаса, томига узум экиб, ҳосилни бўғотнинг тагидан суғуриб олади", деган лутфи ёдимизни ёритиб ўтди...

М. САЛИМОВ
Тошкент ҳақиқати/

Хабарингиз борми? БАҲОРНИНГ СЎНГИ ОЙИ: НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

2020 йил 1 майдан бошлаб барча ишловчи пенсияонерларга (Давлат бюджети ҳисобидан пенсия олувчи шахслардан ташқари) пенсиялар тўлови тўғридан-тўғри Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилади.

Тиббиёт ташкилотларида халқ табobati хоналари очилади

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади-ган, давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомига эга Республика халқ табobati илмий-амалий маркази ташкил этилади.

Шунингдек, тиббиёт ОТМларида ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Халқ табobati ривожлантириш марказлари ташкил этилади.

Бундан ташқари, туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасидаги давлат кўп тармоқли тиббиёт муассасаларида ҳамда наодалат тиббиёт ташкилотларида халқ табobati хоналари очилади.

Худудлар доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ихтисослаштирилади

Доривор ўсимликларни етиштириш, сақлаш, бирламчи ёки чўқур қайта ишлаш кластерлари ташкил этилади, шунингдек, худудлар доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ихтисослаштирилади.

Аи-80 бензини нархини давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинади

Аи-80 маркали автомобиль бензини ва дизель ёқилғиси (шу жумладан ЭКО маркали дизель ёқилғиси) чакана нархларини давлат томонидан тартибга солиш амалиёти бекор қилинади ва нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан уларни сотиш фақат биржа савдолари орқали амалга оширилади.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари янги намунадаги акциз марказлари жорий этилади

Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборотни шакллантириш, сақлаш ва қайта ишлаш фақат қуйидаги ноёб идентификаторлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

- жисмоний шахслар — жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР);
- юридик шахслар — солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- кўчмас мулк — кадастр рақами;
- манзиллар — географик код;
- транспорт воситалари — транспорт воситасининг идентификация рақами.

Бўстонликда тураржойни ижарага берганлик учун алоҳида солиқ тартиби жорий этилади

2020 йил 1 майдан бошлаб, 2021 йил 1 майгача Бўстонлик туманида тажриба тариқасида солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш ва солиқ маъмуриятчилигининг алоҳида тартиби жорий этилади.

Тажриба даврида жисмоний шахслар томонидан дам олиш уйлари, дала ҳовли, якка тартибдаги уй-жойлар ва яшаш учун мўлжалланган бошқа тураржойлар, шунингдек, айрим мол-мулк турлари солиқ объектларининг таъяс пунктлари томонидан солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилгани тўғрисидаги бепул бериладиган гувоҳнома асосида ижарага берилади.

Давлат қурилиш назоратининг янги тартиби жорий этилади

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва худудий инспекциялар томонидан қурилиш тугалланган объектлардан фойдаланишга рухсат бериш тартибининг жорий қилган ҳолда, молиялаштириш манбаларидан қатъи назар хавф-хатар тоифаси паст объектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича мавжуд тартиб-таомиллар бекор қилинади.

Хуқуқий ахборот манбаларидан олинди

Қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратининг таъсирчан шакллари жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан, сўнги йилларда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва жамоатчилик назоратини такомиллаштириш ҳамда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг роли ва аҳамиятини,

ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтаан қисқа давр мобайнида юртимизда мустақил фуқаролик институтларини ривожлантириш ва мустақамлаш, уларнинг эркин фаолияти қафолатларини таъминлаш, давлат органларининг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатилиш юзасидан комплекс ва изчил ишлар амалга оширилди.

Жумладан, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва жамият ўртасида таъсирчан ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустақам механизми ривожлантириш, улар фаолиятининг очикилик ва шаффофлигини, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлиқни таъминлаш мақсадида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Қолаверса, Давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларига бўлган ёндашуви тубдан қайта қўриб чиқиш, аҳоли билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг қўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий гояларини илгари суришга қаратилган ҳамкорлиқнинг самарали механизми жорий этилмаганди. Мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион гояларни тақлиф қилувчи фаол, ўзининг ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари лозим даражада амалга оширилмас, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхат-

роль ўйнамоқда. Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган очик ва одил сиёсат натижасида давлат бошқаруви тизими тубдан ўзгартирилмоқда. Қонунлар, шунингдек, давлат ва жамият аҳамиятига, шу жумладан, аҳоли турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган муҳим қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлашиш институти жорий этилди.

Жамоатчилик маъқул деса – маъқул
Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасидаги Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этиш

жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш, «жамоатчилик маъқул деса – маъқул, номаъқул деса – номаъқул бўлади» деган гоя бутун жамоатчиликни ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлишга сафарбар этмоқда. Айтилган жамоатчилик назорати орқали фуқаролар фикр-мулоҳазаларининг ижтимоий ҳаётдаги таъсирчанлиги орди. Давлат келажига бефарқ бўлмаган ва ижтимоий фаол аҳоли қатлами шаклланиб бораёпти. Бу эса, мамлакатда ислохотларнинг янада самарали олиб борилишини таъминлайди.

Шу ўринда Президентимизнинг «Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ. Бугун жамоатчилигимиз том маънода ўйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганилмоқда», деган сермазмун фикрлари кундалик ҳаётимизда ўз тасдиғини топаётганини таъкидлаш лозим.

Жамият – ислохотлар ташаббускори

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Жамоатчилик палатаси ташкил этилди. Мазкур палатанинг тузилиши «Жамият – ислохотлар ташаббускори» деган янги гояни амалга рўёбга чиқариш, аҳолининг жамоат ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки қўламини кенгайтириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини ўрнатилиш, давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, Жамоатчилик палатаси – жамоатчилик вакиллари ва давлат органлари ўртасида боғловчи «кўприк» вазифасини бажариб, мамлакатда амалга оширилаётган социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий масалаларни халқимиз билан ҳамжиҳатликда ҳал қилиш, энг муҳими, ижтимоий шериклик муносабатларини такомиллаштиришнинг асосий институти бўлади.

Дилмурод ИЗЗАТОВ,
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш марказининг вилоят худудий бўлими раҳбари

Эндиликда тарбия жараёнини бу тартибда давом эттириб бўлмайди, қолаверса, глобаллашув даври ҳам бу тартиб билан мурооса қилмайди. Шу жиҳатдан оғанда, 2019-2021 йилларда Тошкент вилоятда педагогик таълимни ривожлантириш Концепциясининг амалиётга жорий этилиши айтилмоқда.

Чунончи, мажбурий ҳужжатда замона-вожлантириш бир мақсадга – шахсни камол топтиришга қаратилган бўлиши зарур. Тарбия кластерининг асосий шarti ҳам шу жиҳат билан белгиланади.

Тарбия кластери таалабани биринчи курсдан бошлаб токи ўқини би-тиргунга қадар бўлган қў-йидаги тўрт босқичли жа-раёни қамраб олади.

Биринчи босқичда – та-лабага тарбиянинг мута-жак педагог мулоқотда, му-омалада, билим ва савияда ўрнатилган бўлишига э-шилтади ва ундан ўргани-ни истади, ўргатганини ба-жаради.

ТАРБИЯ КЛАСТЕРИ – ТАЪЛИМДА ЕТАКЧИ КУЧ

вий педагогнинг умуминсоний қадриятлар асосида фидойилик, ватанпарварлик, ҳалоллик, қатъиятлик, масъулиятлик, ташаббускорлик фаилатларига эга бўлиш, педагог ўзи-нинг куч ва ғайратини нафақат таълим, балки тарбия жараёнига ҳам сарфламоғи зарурлиги уз-луксиз педагогик таълим-нинг стратегик йўналиши қилиб белгиланганлигини муҳим ижтимоий ҳодиса сифатида баҳолаш мум-кин.

Маълумки, тарбия ҳаётида кўйидагилар муҳим компетенциялар ҳисобланади:

- * тайёргарлик;
- * ташкиллаштириш;
- * тарғибот;
- * ўзлаштириш;
- * назорат.

Яъни, глобаллашув жараёнида ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга тайёргар-лик, ижтимоий аҳамияти эга ташаббусларни таш-киллаштириш, талабалар ўртасида илгор гояларни тарғиб қилиш ва ўзлашти-риш тажрибасига эга бў-лиш ҳамда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ри-

жасисликка мос мазмуни тушунтирилади, ўргати-лади, назорат қилинади. Яъни, педагог касбига мос тарбиянинг ахлоқий, эсте-тик ва дидактик манба-лари, маънавий тарбия индикаторлари ва тарбия-лаш методлари тушунти-рилади.

Иккинчи босқичда – тарбияга доир билим ва кўникмалар шакллантири-лади, тартибга солинади ва таҳлил қилинади. Тар-бия кластери тўғрақлари-га жалб этиш орқали тала-баларда меҳнатга оқилона муносабат шакллантири-лади, уларда ҳунарманд-чилик, тadbirkorлик ва ишбилармонлик кўникма-лари ҳосил қилинади.

Учинчи босқичда – та-лаба тарбия жараёнини ташкил этиш, ўтказиш ва унда бевосита ва билвоси-та иштирок этишга тайёр-ланади. Талабани касбий фаолиятга тайёрлаш «Тала-ба талабага – устоз, талаба талабага – шогирд» деган ахлоқий принципа асосла-нади. Чунки, ҳозирда бўла-



ЖАМОАТЧИЛИК ПАЛАТАСИ



жамоат-чилик вакил-лари ва давлат органлари ўртасида боғловчи «кўприк» вазифасини ба-жаради

очик ва манзилли мулоқот олиб бо-ришининг янги самарали воситалари ва механизмларини жорий этиш мақсадида ҳар бир давлат органи-да, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳо-кимликлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари ташкил этилди.

Кези келганда айтиш керакки, яқин ўтмишимизда давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизми йўлга қўйилмаган эди. Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг эътиёжлари тизимли таҳлил қилинмас, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масала-лари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдонлар яратилма-ганди.

Шунингдек, етарли қонунчилик ба-заси яратилганлигига қарамай, ижтимоий шериклик давлат органлари ва

дан ўтказиш жараёнини, уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи қонунчилик нормаларида ортиқча бю-роқратик талаблар ва гоялар назарда тутилган бўлиб, бу нормалар эскирган ва замон талабларига жавоб бермас-ди. Бундан ташқари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техник таъминоти қриқарсиз ҳолатда бўлиб, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ўрта ва узоқ муддатли, кенг қўламли ҳамда умум-республика мийёсидаги лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишга имкон бермас эди.

Таъкидлаш керакки, ҳозирда юр-тимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаро-лик жамиятининг бошқа институтлари жиқимоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари-ни, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маъ-рифий мақсадларга эришишда муҳим

тақлифи, ҳар бир фуқарони мам-лакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол ва тўлақонли иштирокчисига айлантирди.

Бундай сиёсий ёндашув жамият-да адолатли демократик давлат қу-риш асосларининг ривожланишига хизмат қиладиган янги демократик майдон яратади. Бу, ўз навбати-да, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланти-ришда, жамият ва давлат ишлари-ни бошқаришда фуқаролар, нодав-лат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари ролининг янада ривожланишини, уларнинг давлат бошқаруви жа-раёнига қўшадиган ҳиссалари кўпайишини назарда тутди.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жа-моатчиликда алоҳида қизиқиш йи-ғиладиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар,

дам янги уйни битказгунча, кўп қарз олишига ҳам тўғри келди. Иккинчи томондан, оиламиз пулга муҳтож бўлиб, камбағаллашиб қолди. Шунда қарзни вақтинча узишга (у вақтлар кредит олиш имкониятлари қаёқда!) ҳам иложи бўлмай, яшаб турган уй-имизни сотувга қўйди. Аксига олиб, уйга харидор ҳам топилмади.

Президентимиз қуюнчаллик билан таъкидладикки, биз шу пайтгача аксарият фуқароларимиз ҳақиқатан ҳам камбағал эканини қўриб-қўрмас-ликка, эшитиб-эшитмасликка олдик. Афсуски, дастлабки қисқа-китобларга кўра, халқимизнинг ҳамда 4-5 фоизи камбағал экани, энди яшириш керак эмаслиги, оғир шaroитларда яшаётган одамларимизнинг асл муаммоси, вазиятини тушуниш, барча тоифадаги раҳбарлар, фуқаролар дунёқарашимизни ўзгариштириш лозимлигини ўқитириди давлат раҳбари.

кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тadbirkorлик ҳиссини уйғотиш, инфра-тузилмани яхшилаш, фарзандлари-ни ўқитиш, сифатли давонлиқ, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак», дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, камбағалликни вужудга келтирадиган омиллардан бири шубҳасиз, ишсизликдир. Шу маънода, камбағалликни бартараф этишнинг тўғри ва энг самарали усули аҳоли бандлиги даражасини ошириш ҳисобланади. Бунда одам-лар учун муносиб иш ўринларини яратиб бериш кўзланган мақсадга эришишда муҳим аҳамият касб эта-ди. Бунинг учун қишлоқ жойларда тadbirkorлик учун шарт-шaroит-лар, бизнес учун қўлай муҳит яра-тиш керак. Президентимиз таъбири билан айтганда, камбағалликни ка-майитириш — бу аҳолида тadbirkor-лик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.

Биргина мисол. Бир неча йиллар олдин, қасаба уюшмаларида фаолият қилган кезларимда Янгийўл тумани-даги Ниезбоз қишлоғини тажриба та-риқасида ўрганганимиз. Қишлоқ аҳоли-си ниҳоятда ишни кўзини биладиган, тadbirkor, деярли барчаси ўзига тўқ яшашарди. «Бунга қандай эришилган, бу ерда камбағаллар ҳам бормикан», деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилганимиз.

Уша кезлар қишлоқ раиси бизга 4 тагина эҳтиёжманд оила борлигини айтди. Мазкур оилалар билан яқин-

НУҚТАИ НАЗАР

дан танишганимизда оиланинг иқти-содий томондан оқсаб қолишининг асосий сабабларидан бири хонадон аъзоларининг ҳеч бири иш ўрнига эга эмаслиги аён бўлди.

Бугунги кунда ижтимоий тенгсиз-ликнинг энг очик маълумот индикато-ри «Джининг индекси» ҳисобланади. У мамлакат фуқаролари ўртасида да-ромат қанчалик тенг тақсимланаёт-ганини кўрсатиб беради.

Тенгсизликни қисқартириш ке-рак. Бундан ташқари, ижтимоий ёр-дамни манзилли қилиш, ишсизлик билан курашиш даркор. Ўзини бой деб ҳисоблаганларни муҳим давлат масалаларини ҳал этишга, жумла-дан, мамлакатда ижтимоий объект-лар қурилиши ва ободонлаштириш, муҳтожларга хайр-саховат кўрсатиш кабиларга жалб этиш лозим. Бу андо-за ҳаммага илгаридан маълум, лекин ҳаётга жорий қилиш бир қадар осон кечмаслиги ҳам турган гап.

Шунингдек, аҳолининг даромад даражаси ўсиб бориши учун комплекс чораларни амалга ошириш, иқтисо-дийни диверсификациялаш ва қўри-ми маош тўланадиган иш жойларини яратиш керак. Қолаверса, инфляция-га қарши чоралар ва даромадларнинг индекслаш йўли билан аҳолининг реал даромади турғунлигини сақлаб туриш ва ишбай (прогрессив) солиқ-ни жорий этиш ҳамда меҳнати учун энг кам иш ҳақини қайта қўриб чиқиш, яшаб минимуми ва истеъмол сава-тининг миқдорини талаб даражасига кўтариш керак. Зеро, бу тақлифлар камбағалликни қисқартириш, оилалар фаровонлигини ошириш борасидаги ҳаётбахш ислохотлар, қўламли саъй-ҳаракатлар йўлида муҳим омил бўли-шидан умидворимиз.

ҚАМБОЛЖОН ШОДИМЕТОВ,
Халқаро Экология, инсон ва табиат ҳавфсизлиги фанлари Академияси ҳақиқий аъзоси, академик

КАМБАҒАЛЛИК АЙБ ЭМАС, БИРОҚ...

Бу оғир вазиятдан чиқиш учун ота-онам тadbirkorона йўл тутишди. Яъни, қишлоғимиздан 30 км. нарида-ги қишлоқ аҳолисининг подасини (мол ва қўйлар) баҳордан кузга қадар оилавий боқиб бердик. Ҳар бир бош мол ва қўй-эчки учун ойма-ой тўланган пуллар ҳамда ёз давомида ўтин-те-зак, нўхат ва бугдойзордан «машоқ» териб, жўжалар сотиб олиб каттай-тирдик ва 5 ой ичида мўмай даромад тўплаб, қарзлардан қутулдик. Бундан ташқари, бир оғирнинг тўлатадиган бугдой, қоп-қоп нўхат билан уйимизга қайтдик. Бизнинг энг катта ютуғимиз, бу ишни «қора меҳнат» деб ўтирмай (чунки, подачиликка «қора иш» деб, паст назар билан қарашар эди), камбағалчиликдан қутулиб чиқиб кетдик.

Бу воқеадан кўп вақт ўтмай, дадам оғир касаллик туфайли оламдан ўтди. Онам 7 фарзанд билан (акам ўша пайтда Самарқандда институтда ўқи-ётган эди) қолди. Энг кичик укам ҳали ёшига ҳам тўлмаган эди. Шунда оийм тушқунликка тушиб қолмасдан, уйда-бурунлик, тadbirkorлик билан бизни оч-наҳор қолдириб, воёга етказди, устимизни бутлади. Қўрт боқиб, ҳовлимиздаги богда мева-сабзавот етиштириб, сигиримизнинг сутини сочи-б, шаҳардан кийим-кечаклар олиб келиб сотиб, болаларини бировга хор-зор қилмай, барча эҳтиёжларимизни таъминлаб берди. Ўша вақт-ларда мен 9-синфда ўқирдим, оиймга ёрдам бериб, кўрларга барг етказиб

турдим. Қолаверса, уй қураётганлар учун гишт қўйдим. Таътил кунларида далага чиқиб, кетмон чопдим. Менга бригада даласи чекасида 10 сотих ер ажратилиб, картошка экишим учун ерни ҳайдаб, минерал ўғитлар билан ёрдам беришди. Картошкани ёз даво-мида парваришлаб, янги ҳосил олиб, мўмай даромадга эга бўлдим.

Ота-онам бололигимиздан бизга ўқиб, билимни инсонлар бўлишимиз кераклигини ўқитишарди. Оийм оила-мизда камбағал бўлишига қарамай, барчамизни тўлиқ Самарқанд, Тош-кент шаҳарларида ўқишимизга ша-роит яратиб берди. Ўзимиз ҳам унга ёрдам бўлсин деб, кечаси заводда, ўқиш давомида, амалиётда бажарган ишларимизда ҳам пул толиб, ўзимиз-ни ёллаб, янги иш олиб, маълумот-ли бўлдик. Мана ҳозир оиламиздан 2 фан доктори, профессорлар, 3 фан номзоди етишиб чиқди ва халқимизга хизмат қилиб келмоқдамиз.

Дарвоқе, халқимиз орасида «Кам-бағаллик айб эмас», деган гап бор. Қолаверса, қўлиқалталик ҳеч кимга ҳавас эмаслиги ҳам барчага кундек равшан. Бироқ, унутмаслик керакки, камбағаллик биргина ўша оиланинг муаммоси бўлибгина қолмай, балки у миллатнинг соғлими, меҳнатга ла-

Шу кунларда газетамизнинг фаол муал-лифларидан, таниқли олим, иқтисод фан-лари номзоди Қамолжон Шодиметов ўзи-нинг кутлуғ 70 ёшини қарши олди.

У вилоятимиздаги давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик қилган, вило-ят Кенгаши депутаты бўлган илгар аҳоли муаммоларини ҳал этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшганини вилоят жамоат-чилиги чуқур ҳурмат билан эслади.

Ўнлаб илмий-услубий қўлланмалар, 100 дан ортиқ долларб мавзулардаги таҳлилий мақоалар муаллифи бўлган Қамолжон акани шуқроналик айёми билан кутлаб, унинг таҳририятимизга йўллаган навабтдаги қоралмасини эътиборингиз-га ҳавола этаёғимиз.



ёқати ва илмий салоҳиятига путур етказди. Шу сабабдан, юртимизда камбағаллик муаммосини бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сир эмаски, юртимизда камбағал-лик кўп йиллар давомида «ёпиқ мавзу» бўлиб келди. Бу бўйича илк бор Пре-зидентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида очик-ойдин га-пирди ва тарихимизда биринчи марта камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Ўриш ТУРҒУНОВ:

Ҳамжиҳатлик

ЁВНИ ЕНГИШ ЙЎЛИДАГИ

БИРИНЧИ ЗАРБА

Ўриш ота чинакам пири бадавлат отахон. Тилида доимо ширин калом, дилида шукроналик.

— Ҳамжиҳатлик ёвни енгил йўлидаги биринчи зарба, — дейди Ўриш ота. — Бугунги синови кунлар ҳам ҳадемай ортда қолади. Бунинг учун сабр-бардош, чидам, матонат керак. Асосийси, юртимизга кўз тегмасин. Меҳр-оқибат кўтарилмасин.

— Бобом бизга уруш хотиралари ҳақида кўп-кўп сўзлаб берадилар, — дейди Ўриш отанинг набираси Аббор. — Ҳар гал қуролдош сафдошлари ҳақида сўз очганларида кўларига ёш оладилар. Оғир хўрсиниб, уларни кўмсашларини айтадилар. Мен Ватанга, дўста садоқатни бобомдан ўрганганман. Бобом нафақат кекса жанчи, балки чинакам ватанпарвар, содиқ дўст. Утмишлари ёшлар учун ибрат мактаби.



Аллома АЗИЗОВА
Тошкент ҳақиқати/

Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

(Давоми. Бошланиш
1-саҳифада)

Иқтибос

Уруш, номинг ўчсин жаҳонда!

• Мен ёшман — эндигина йигирмага кирдим, лекин кўрганларим қон, ўлим, кўрқув ва мудҳиш азоб-уқубатлардан иборат нурсиз, бемақсад ҳаёт бўлди. Кимдир бир ҳалқни иккинчисига гижгилдайди, одамлар бировнинг иродасига бўйсуниб, бир-бирини ўлдирди, лекин жиноят қилаётгани ва гуноҳга ботаётгани ҳақида ўйламайди. Инсониятнинг энг доно вакиллари янги-янги қуролларни яратди ва буни оқлаш учун қоп-қоп сўз топади. Жазосини биз тортамиз, ер юзидаги жамики тенгдошларим тортади.

Э. М. Ремарк,
“Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ”.

• Урушда жанг қилаётган одамлар дунёдаги энг ажойиб одамлардир, фронтнинг қизгин қисмларига кириб борганинг сари бундай ажойиб кишиларга кўпроқ дуч кела бошлайсан. Лекин урушни бошлаганлар, унинг оловига яна олов ташлаб турганлар иқтисодий рақобатдан, фойда ундиришдан бошқа нарсани ўйламайдиган тўнғизлардир. Мен урушда бойлик орттирганлар, уруш оловини ёққанлар урушнинг биринчи кунларидаёқ мамлакат граждандарининг мухтор вакиллари томонидан отиб ташланмоғи зарур, деб биламан.

Э. Хемингуэй,
“Алвидо, қурол!”.

Моҳият

Саодатли одамларни ганимат бил, бошқаларни мафтун қил, ўзинг ҳам мафтун бўл! Дунёда бирдан-бир ҳақиқий саодат шудир, бошқа ҳаммаси бекор гап. Биз бу ерда фақат мана шу билан машғулмиз.

Ўзингизни шу даражага етказингки, ўлим кўзингизга даҳшатли душман эмас, балки эзгулик йўлида ривозат чеккан руҳни роҳат ва фароғатга элтиш учун бу дунёнинг касиратидан кутқарадиган дўст бўлиб кўринсин.

На аҳамиятли нарса бор, на аҳамиятсиз, ҳаммаси бир гўр, фақат шу ҳаётдан ўзини обқоча билсам бўлгани, фақат шуни кўрмасам, шу мудҳиш ҳаётни кўрмасам бас.

У шундай хурсанд эдики, киши бундай вақтларда жуда эзгу ва меҳрибон бўлиб, дунёда ёвузлик, бахтсизлик ва ғам-ғусса деган нарсалар борлигига ишонмай қўяди.

Л. Н. Толстой,
“Уруш ва тинчлик”.

Уйда қол, фойда ол

Обод хонадон ибрати

Синови кунларни сабр-тоқат, меҳр-оқибат билан ўтказётган юртдошларимиз карантин бошланган илк дамлардан оқ давлатимиз эътибори, ҳимоясини ҳис этиб келмоқда.

Чирчиқлик меҳнат фахрийси, 44-“Бахт” маҳалласида яшовчи тиниб-тинчимас онахон, вилоятимизнинг фаол жамоатчи, аёлларидан бири Муҳаббат ая Шуюсупованинг хонадони ўз файз-таровати билан кўрган кўзни қувонтиради. Илк баҳор кунларидан яшилликка бурканган ҳовли саҳни чаманзор боғни эслатади. Бу йил мўъжазгина томорқасида етиштирган 2 минг туп анвои гул кўчатлари ҳадемай гунчалаб юз кўрсатади. Бу гўзалликдан кўни-кўшчилар ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

— Опанинг уй тутиш маданиятидан кўплар ибрат олса арзийди, — дейишди кўшчилари. — Ободлик кўнгилдан бошланади, деганларидек, гўзалликка, эзгуликка шайдо кўнгул тафти борлиқни яшнатишга, одамларга меҳр-оқибат, маънавият, маданият туйғуларини бахш этишдан чарчамайди. Аксинча, бундан хузур-ҳаловат топади.

Муҳаббат Шуюсупова, шунингдек, Халқаро Амир Темури жамағатининг вилоят бўлими раҳбари сифатида ҳам жамоатчиликка таниш. “Ҳозирги кунда рўй бераётган ҳар хил нохуш вазиятлар қалбда Ватан ишқи бўлган инсонларни синовдан ўтказётгандек, назаримда” — дейди у. — Буоқ Соҳибқирон бобомиз ҳақида туркум мақолалар, маънавий-маърифий



тадбирлар режаси, сценарийлари синови кунлардан кейин бошланадиган қизгин меҳнат жараёнлари учун тахт қилиб қўйилган. Дахлдорлик туйғуси бир зум бўлсада тинчимаётган мўтабар аёлнинг фидойилиги, саранжом-саришта, тадбирли уй бекаси, ҳар соҳада юксак маданият эгаси сифатидаги ибрати тахсинга лойиқ.

Сайёра РИХСИЕВА

Ташаббус

Тасаввур қилинг, шифохонада кўп қон йўқотиб, бемажол ётган бемор сизнинг ёрдамингизга муҳтож. Сиз қон топириш эвазига бир беморнинг ҳаётини сақлаб қолишингиз мумкин. Бу билан нафақат бемор одамни ҳаётга қайтарасиз, балки инсонийлик деб аталмиш олижаноб ва шарафли бурчингизни ҳам адо этган бўласиз.

САВОБНИНГ ЗЎРИ

Қибрай тумани, Салор шаҳарчасидаги Мирзо Улуғбек номи маҳалла аҳолиси ташаббус кўрсатиб, Беғараз донорликка бел боғладилар.

Туман кенгаши депутати Дониёр Юсупов саъй-ҳаракати билан ҳудудга кўча донорлик пункти олиб келинди ва 20 га яқин маҳалладошлар қон топиришди.

— Қон топириш соғлом организм учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди, аксинча, фойда беради, — дейишди Республика қон қуйиш маркази мутахассислари.

— Халқимиз бошига оғир кун тушганда, аҳолимиз ўз хоҳиши билан саовбли ишга ҳисса қўшди, — дейди Яланғоч қишлоқ оилавий поликлиникаси бўлим бошлиғи Олима Абдуғаниева. — Бу каби хайрли ишлар халқимизнинг бағрикенглиги ва олижаноблиги намунасидир.



Келишингни билардим...

Урушнинг энг қонли кунларидан бири эди. Аскар энг яқин биродарининг озгина олдинроқда қонга бўялиб, ерга қулаганини кўрди. Уқ ёмғири шунчалар шиддатли эдики, бошни бир сонияга бўлсада оқондан ташқарига чиқариш ўлимга тик боқийдай гап эди.

У ўзини ташқарига отгани, бир дўсти уни елкасидан тўтиб, ичкарига тортиди. “Жинни бўлганмисан нима бало? Қара, илма-тешик қилиб ташлашиб-

ди. Унинг куни битгани аниқ. Уни кутқариб қололмайсан. Ўз ҳаётингни асло тахликага қўймаганинг маъқул.”

Бироқ аскар унинг сўзларига қулоқ солмади ва ўзини хандақдан ташқарига олди. Ақл бовар қилмайди, бу гўё бир мўъжиза эди. Аскар ўша даҳшатли ўқ ёмғири остида дўстига етди. Уни кўтариб, бор кучи билан югуриб, орта қайтди. Биргаликда оқол ичига думаладилар. Фақат жасур аскар ярадор дўстини кутқариб қололмади. Ошниси унинг ёнига келиб:

— Сенга бефойда дегандимку. Шунча ҳаракатинг ҳавога учди, аҳмоқсанда! — деди.

Аскарнинг кўзлари олайди.

— Нера аҳмоқ бўларканман?

— Кўрмайсанми, ахир у ўлиб бўлганку!

— Аммо, мен ёнига борганимда ҳали тирик эди. Унинг сўнги сўзлари ўлимга тик боришимга арзирди. Эшитяпсанми, арзийди!

Биродарининг дунёга тўймаган, очик кетган кўзларини қўли билан ёпаркан, мархумнинг сўзларини тақрорлаганида кўзлари жиққа ёшга тўлди: “Келишингни билардим, келишингни билардим...”



Ў. ЭНАР

Митти ҳикоя



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:
(факс)
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:
Электрон почта: toshkenthqiqati@uamail.uz // th-tp@inbox.ru

Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер
марказида терилди ва Тохир Маҳмудхўжаев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Равшан БАЙЖАКОВ